2024-yil 13-fevral // seshanba // № 21 (4929)

Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

Ishonch

• O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Биохилма-хилликни келажак авлодлар ва барқарор ривожланиш учун сақлаш, инсон ҳаётининг табиат билан уйғунлигини таъминлаш - бизнинг умумий мақсадимиздир. Бу бутун халқаро ҳамжамият саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни, мувофиқлаштирилган ва кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Кун нафаси

Устувор вазифалар таҳлили

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 12 февраль куни қишлоқ хўжалигида ишга солинмаган янги захираларни сафарбар этиш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

4 000 000 дан зиёд автомобиль

2024 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистонда жисмоний шахсларга тегишли бўлган автомобиллар сони 4 020 744 тани ташкил этган. Бу ҳақда Статистика агентлиги хабар берди.

Яна илк ўнталикда

«Ўзгидромет»нинг маълум қилишича, 2024 йил 12 февраль куни соат 8:00 да Тошкент шаҳрининг атмосфера ҳавосидаги PM-2,5 майда дисперсли заррачалар миқдори 67,1 мкг/м³ни ташкил этган. Бу ЖССТ тавсияларидан 13,4 марта кўп. IQAir веб-сайтида соат 8:22 да Ўзбекистон пойтахти ҳавонинг ифлосланиши бўйича дунёда 9-ўринни эгаллади, ҳаво даражаси - «зарарли».

Марказий Осиёдаги биринчи экоуниверситет

10 февраль куни Тошкент вилоятида Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети («Green University»)нинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Бу ҳақда Экология вазирлиги хабар берди.

ТАБИАТ ЧЕГАРА БИЛМАЙДИ

Самарқанд шаҳрида БМТнинг Ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юрувчи турларини сақлаш бўйича конвенцияси (CMS COP14) иштирокчилари конференцияси бўлиб ўтмоқда

Алишер ИСРОИЛОВ (ЎзА) олган суратлар

12 февраль куни Самарқанддаги Конгресс марказида конференция 14-йиғилишининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Дастлаб Президент Шавкат Мирзиёевнинг форум қатнашчиларига табригини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ўқиб эшиттирди.

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш жоизки, 1979 йилда Германиянинг Бонн шаҳрида қабул қилинган ва 1983 йилда кучга кирган мазкур конвенцияга дунёнинг 133 давлати аъзо ҳисобланади. Ўзбекистон 1998 йилда конвенцияга қўшилган ва шундан буён унинг ишида фаол қатнашиб келмоқда.

Марказий Осиё давлатлари орасида илк бор юртимизда конвенция иштирокчилари конференциясининг йиғилиши бўлиб ўтмоқда. Бундан аввалги йиғилиш пандемиядан олдин Ҳиндистонда ташкил этилган.

Шу боис иштирокчилар бу гал Самарқандда ўтган давр мобайнида йиғилиб қолган кўплаб масалаларга ечим топишга, муҳим мавзулар юзасидан юзма-юз фикр алмашишга аҳд қилишган.

«Табиат чегара билмайди» шиори остида ўтказилаётган йиғилишда халқаро ташкилотлар вакиллари, 130 мамлакатдан 1800 нафардан ортиқ иштирокчи қатнашмоқда.

Касаба уюшмаси аралашгач...

Жиззах вилояти

НАВБАТЧИЛИККА РУХСАТ БЕРИЛДИ

Иссиқ жон иситмасиз бўлмайди. Яхшиямки, вақти-бемаҳал тиббиёт ходимлари жонимизга ора киради. Ўз навбатида, уларни ҳам моддий қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш шунга яраша бўлиши лозим. Аммо...

Дилноза Бобобекова қарийб 8 йилдан буён Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Жиззах филиали ҳамкор ва асоратланган жароҳатлар бўлимида кичик тиббий ходим вазифасида ишлаб келмоқда. Унинг Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Жиззах вилояти кенгашига иш берувчи томонидан тўланмай қолган иш ҳақларини ундиришда амалий ёрдам сўраб қилган мурожаати ўрганилди. Сўнг Дилноза Бобобековага тўланмай қолган иш ҳақларини қайта ҳисоблаб тўлаш юзасидан тақдимнома киритилди.

Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судининг 2023 йил 17 августдаги ҳал қилув қарорига кўра, иш берувчига кичик тиббий ходим Д.Бобобековани иш билан таъминлаш мажбурияти юклатилган. Иш берувчининг 2023 йил 25 августдаги №77/х-сонли буйруғига кўра, Ҳамкор ва асоратланган жароҳатлар бўлими кичик тиббий ходими Д.Бобобековага 1 штат бирлигида кундузги кичик тиббий ходим вазифасида ишлашга рухсат берилган. Буйруққа ФИБ Жиззах туманлараро судининг 2023 йил 17 августдаги ҳал қилув қарори, Д.Бобобекованинг аризаси асос қилинган.

Шунингдек, мурожаатчининг иш берувчи томонидан тунги навбатчиликка ўтказилмаётгани ҳақидаги аризаси юзасидан ҳам ўрганиш ўтказилиб, тақдимнома киритилди. Шу тариқа, Дилноза Бобобекованинг қонуний ҳуқуқлари тикланди.

Муқимбой ИСМОИЛОВ
«ISHONCH»

Самарқанд вилояти

Самарқанд шаҳридаги «Sino» (собиқ) акциядорлик жамиятида ҳисобчи вазифасида ишлаган Рустам Ибрагимов меҳнат муносабатлари жараёнида икки йил азият чекди.

СОБИҚ ҲИСОБЧИНИНГ ИШ ҲАҚИ УНДИРИЛДИ

Гап шундаки, у 2018 йили ишдан бўшаган. Аммо иш берувчи вакиллари унга тўланиши лозим бўлган иш ҳақи ва сўнгги ҳисоб-китоб ишларини «аччиқ ичакдек» чўзиб келди. Қарийб икки йил мобайнида у кимлардан ёрдам сўрамади дейсиз.

Ранж, алам тортган ходимнинг сўнгги мурожаати Самарқанд вилояти ҳокими номига бўлди. Ушбу масала тегишлилик даражасида касаба уюшмаларига ўтказилди.

Ўрганишларда собиқ ҳисобчига тўланиши лозим бўлган маблағ миқдори 7 миллион 810 минг 425 сўм 48 тийинни ташкил этиши маълум бўлди. Касаба уюшмалари меҳнат инспекциясининг «Sino» АЖ вориси бўлган ташкилот маъмурияти билан олиб борган мулоқаралари натижасида, собиқ ходимнинг иш ҳақлари тўлиқ тўлаб берилишига эришилди.

Улуғбек ҒАНИЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори

Тошкент вилояти

ШАРОПОВ НЕГА ИШДАН БЎШАТИЛГАН ЭДИ?

Пискент тумани «Муротали» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Тоҳир Шаропов ўзининг ноҳақ ишдан бўшатилгани тўғрисида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига шикоят аризаси киритди.

Тоҳир Шаропов Пискент туманининг молия бўлимида 1996 йилдан ишлаб келган. Дастлаб 2020 йилда Тошкент вилояти Молия бошқармаси уни ишдан бўшатди. Фуқаро Ўзбекистон Республикаси Президенти порталига мурожаат қилгач, у ишга қайта тикланди.

2023 йилнинг январида эса Пискент тумани молия бўлимида штатлар қисқариши амалга оширилиши ҳақида барча ходимларга огоҳлантирув хатлари келди.

– Март ойида туман молия бўлимининг барча ходимларини Тошкент вилояти Молия бошқармасига суҳбатга чақиришди, – дейди фуқаро. – У ерда эса менинг ўрта-махсус маълумотга эга эканимни рўкач қилишди. Буни қарангки, бутун бошли туман молия бўлими бошлиғи ўринбосари ҳам айни пайтда ўрта-махсус маълумотга эга эди, лекин у негадир суҳбатга келмади. Кейинрок, яъни 2023 йилнинг 23 мартида кадрлар қисқартирилишга тушганимни эшитдим. Бу ҳақдаги буйруқни сўрасам, кўрсатишмади. Мен билан содир бўлган бу иккинчи ҳолат эди, жуда кўнглим чўкди. Чунки оиламнинг ёлғиз боқувчиси эдим, қарамоғимдаги фарзандларимдан бири I гуруҳ ногирони. Шундан сўнг мен яна юқори ташкилотларга мурожаат қилдим.

Фуқаро ишини кўриб чиқишни ўз зиммасига олган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгаши меҳнат инспекторларининг саъй-ҳаракатлари билан ходимнинг бўшатилиши асоссиз экани фуқаролик ишлари бўйича судда исботланди.

Шаҳноза АҲМЕДОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгаши мурожаатлар билан ишлаш бўйича бош мутахассиси

www.ishonch.uz
ishonch1991@yandex.uz
https://www.facebook.com/ishonch.gazetasi
https://t.me/ishonchgz

Самарқанд вилояти

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгашининг IV мажлисида ёшлар билан боғлиқ масалалар ҳам қизғин муҳокама қилинди. Таъкидланишича, кенгаш ва тармоқ касаба уюшмалари ташаббуси билан «Раҳбар ва ёшлар учрашувлари» ташкил этилиб, уларга 2 минг нафардан ортиқ ёш ходим жалб этилган. Шу жараёнларда улғайиб келаётган авлодга нимадир бера олган раҳбарлар ҳам, «аравани қуруқ олиб қочганлари» ҳам учраган.

Йиғилиш

ЁШЛАРГА ЭЪТИБОР – ИСТИҚБОЛГА ЭЪТИБОР

– Мурожаатлар билан ишлаш, ижтимоий ҳимоя борасидаги юмушлар, меҳнат муҳофазаси, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини дам олдириш бизнинг вазифамиз, – дея алоҳида таъкидлади кенгаш раиси Сухроб Рафиқов. – Ёшлар масаласи эса фаолиятимиздаги устувор бўғинга айланиши керак.

Касаба уюшмалари 55 мингдан зиёд ёшлар иштирокида уларнинг қалбида ватанпарварлик, юртга садоқат, ҳалоллик ва мардлик туйғуларини мустаҳкамлашга қаратилган 400 дан ортиқ маънавий-маърифий тадбир ўтказди. Корхона ва ташкилотларда ишловчи 954 нафар йигит-қиз ички туризм йўналишида саёҳатларга олиб борилди. Тиббиёт ҳамда Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетлари, Самарқанд давлат чет тиллар институтида «Конституция – ҳуқуқ ва эркинлигимиз кафолати» мавзусида тарғибот тадбирлари уюштирилди. Навқирон авлод вакилларидан 100 нафари «Экотуризм» акцияси доирасида «Зомин» қўриқхонаси фаолияти билан танишди, 523 нафари эса «Беш ташаббус – беш имконият» лойиҳаси доирасида театр ва адиблар уй-музейларига таклиф этилди. Булардан ташқари, 61-сонли эшитишида нуқсони бор болалар интернатига, 62-сонли имконияти чекланган болалар мактаб-интернатига, Самарқанд имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатига 2 миллион 850 минг сўмлик кир ювиш кукуни ва хўжалик совунлари олиб берилди.

Мажлисда давлат дастури ижроси, мурожаатлар билан ишлашнинг аҳволи, болаларни соғломлаштириш, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга қаратилган фаолият атрофлича таҳлил қилинди. Тармоқ келишувлари ва жамоа шартномалари қамровини кенгайтириш, бу йўналишда ижтимоий шерикчилик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, «Аёллар дафтари» юритилишининг кейинги босқичини ташкиллаштиришга доир масалаларга жиддий эътибор қаратилди.

Мажлис ниҳоясида 2023 йил якуни ва 2024 йилги режалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»

Тошкент вилояти

Танлов

ИСТЕЪДОДЛАР НАМОЙИШИ

Республика Маънавият ва маърифат маркази Юқори Чирчиқ тумани бўлинмаси тумандаги 25-мактаб билан ҳамкорликда иқтидорли ёшларни аниқлаш мақсадида «Менинг истеъдодим» танловини ўтказди.

Тадбирда ўқувчилар рақс, ашула, бадиий ўқишда ўз истеъдодларини намойиш этишди. Чолғу асбобларидан доира ва гитарада куй ижро қилишди.

– Ўқув даргоҳимизда мусиқа, шахматшашка, шеърият, расм чизишга қизиқадиган ўқувчилар бисёр, – дейди 25-мактаб директори Собит Сафаров. – Уларнинг истеъдодларини ривожлантириш мақсадида тез-тез танловлар ўтказиб турамиз. Келажакда етук инсонлар бўлиб, эл корига ярашини жуда-жуда истаймиз.

– Ёшлигимдан шеърият ва нутқ маданиятига жуда қизиқаман, – дейди 11-синф ўқувчиси Чарос Раҳмонқулова. – Ўтказилган ушбу тадбирдан катта таассурот олдим. Бу менга ўз устимда ишлашимда куч бериб, янги-янги режалар тузишимга туртки бўлади.

Танлов ғолиблари муносиб тақдирландилар.

Комила БОЙМУРОДОВА
«ISHONCH»

Навоий вилояти

Тадбир

ХОДИМЛАР МАЛАКАСИ ОШИРИЛМОҚДА

Навоий шаҳридаги Олимпия ва паралимпия захиралари спорт коллежида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Навоий вилояти кенгаши томонидан ўқув-семинар ўтказилди.

Унда корхона, ташкилот ва муассасаларнинг бошланғич касаба уюшма қўмиталари фаоллари, кенгаш мутасаддилари ва бўлим бошлиқлари қатнашди.

Дастлаб вилоят кенгаши меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи Олимжон Бобомуродов ўқув-семинарни ташкил қилишдан кўзланган мақсад ва режалар ҳақида батафсил маълумот берди. Сўнгра вилоят адлия бошқармаси раҳбари Азимжон Холмуродов касаба уюшмалари тизими олдида турган вазифалар, ходимларнинг ҳуқуқ ва бурчлари тўғрисида маъруза қилди. Кенгаш меҳнат-техник ҳуқуқ инспектори Алишер Раҳматов, мурожаатлар билан ишлаш бўйича бош мутахассис Тоштемир Тайлоқов фаоллар билимларини янада мустаҳкамлаш, белгиланган вазифалар бажарилишини тизимли ташкил этиш ҳамда иш берувчилар мажбуриятлари ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Тадбир давомида бошланғич ташкилотлар раислари ва фаолларига меҳнат муносабатларини тўғри йўлга қўйиш, муаммоли вазиятларни меҳнат қонунчилиги асосида ҳал қилиш, барча расмий ҳужжатларни тўғри юритиш, ходимлар меҳнатига адолатли ҳақ тўлаш масалалари бўйича тушунтиришлар берилди. Шунингдек, бундай ўқув-семинарлар февраль ойининг охирига қадар вилоятнинг барча туманларида ўтказилиши зарурлиги алоҳида қайд этилди.

Сарвиноз ҚОДИРОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Навоий вилояти кенгаши Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими етакчи мутахассиси

Наманган вилояти

Тарғибот

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилояти кенгаши томонидан «Касаба уюшмаларига аъзолик афзалликлари» мавзусида йиғилиш ўтказилди.

АЪЗОЛИК ХОДИМГА ҚАНДАЙ НАФ КЕЛТИРАДИ?

Унда Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари Республика кенгаши раиси ўринбосари Шуҳрат Муҳаммедханов, тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши бош мутахассиси Шоҳиста Чориева, вилоят ҳокимлигининг қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича котибияти бош мутахассиси Иброҳимжон Аброров ҳамда вилоят қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳаси ҳудудий назорат инспекцияси ходимлари ҳамда касаба уюшмаси тузилган ташкилотлар қўмита раислари ва касаба уюшмасига аъзо бўлмаган корхона ва ташкилотлар вакиллари иштирок этишди.

Йиғилишда меҳнат жамоасида иш унумдорлигини янада ошириш, соғлом ижтимоий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясини кучайтириш учун корхона ва муассасаларда касаба уюшма ташкилоти тузилиши мақсадга мувофиқлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Касаба уюшмалари нафақат ифода этувчи ташкилот, балки ҳимоя қилувчи вакиллик органи бўлгани учун ҳам, ташкилотларда ходимларнинг ноҳақ ишдан бўшатилишининг олдини олиш, уларга юридик хизмат кўрсатишнинг ҳам катта аҳамиятга эга эканига эътибор қаратилди.

Шунингдек, маърузачилар иш жойларида меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилишини таъминлаш, ишчиларга хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш борасида ҳам амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларга тўхталиб ўтишди.

Касаба уюшмасига аъзо бўлган ташкилотларда ходимлар ва уларнинг фарзандлари дам олиши ҳамда даволаниши учун тизимдаги санаторийларга, болалар оромгоҳларига имтиёзли йўлланмалар билан таъминланиши борасидаги бир қатор имтиёзлар борлиги алоҳида қайд этилди.

Йиғилиш асноси иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олишди.

Феруза ЭРМАТОВА,
Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилояти кенгаши раиси

Қорақалпоғистон Республикаси

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан тармоқ касаба уюшма қўмиталари раислари иштирокида иш юритиш, жамоа шартномалари мазмуни ва аҳамияти, меҳнат қонунчилиги ва иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тартиби, меҳнат хавфсизлиги, касаба уюшма бюджетидан мақсадли ва самарали фойдаланиш масалалари юзасидан ўқув-семинар ташкил этилди.

ТУШУНЧАЛАР ЯНАДА БОЙИДИ

Ўқув-семинар

Унда кенгаш мутахассислари Қ.Мирзабаев, Д.Уразбаев, П.Абдиязов, Е.Қурбановлар мавзулар юзасидан батафсил тушунчалар беришди.

– Ўқув-семинар мен учун маҳорат мактаби бўлди, – дейди Шуманай тумани тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси Б.Мауленов. Бу ерда биз, ўзимизни қизиқтирган саволларга жавоблар ҳам олдик.

Лиза БАЙБОСИНОВА,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси

Сурхондарё вилояти

Жараён

ҒАМХЎРЛИКНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

Бундан уч йил аввал Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмасининг V қурултойида мазкур ташкилотни икки йўналишга ажратиш эҳтиёжи туғилгани қайд этилди. Чунки бу вақтга келиб, спорт ва туризм соҳалари ҳам ривожланиш сари юз тутган, натижада бошланғич ташкилотлар ва уларга аъзо бўлганлар сони ортиб бораётганди. Ана шу жиҳатлар инобатга олиниб, маданият, спорт ва туризм ходимларини ўзида бирлаштирадиган алоҳида касаба уюшмаси ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шу тариқа 2020 йилнинг 18 декабрида барча ҳудудларда бўлгани каби, Маданият, спорт ва туризм ходимлари бирлашган касаба уюшмаларининг Сурхондарё вилояти қўмитаси ташкил топди.

Ўрни келганда эслатиб ўтиш керакки, Сурхондарё вилояти маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси бирлашган қўмитаси дастлаб 78 та бошланғич ташкилот негизида ташкил этилган ва уларга жами 3675 нафар аъзо бирлашган эди. Жамоа шартномалари тузишнинг аҳамияти, касаба уюшмаларининг ҳар бир ходим ҳаёти ва меҳнат фаолиятида тутадиган ўрни ҳамда роли тўғрисида олиб борилган тушунтириш ишлари натижасида бошланғич ташкилотлар сони 19 тага кўпайди. Ҳозирги кунда 97 та бошланғич ташкилот самарали фаолият юритмоқда. Аъзолар сафи ҳам ортиб, 4796 нафарга етди. Бу сўнгги икки йил ичида касаба уюшма аъзолари 1121 нафарга кўпайди деганидир.

Айни пайтда ишчи-ходимларни соғломлаштириш, спортга жалб этиш, кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун турли маданий-маърифий тадбирлар уюштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ходимлар ўртасида мунтазам равишда волейбол, мини-футбол, шахмат-шашка бўйича беллашувлар ташкил этилмоқда.

Тизимдаги кам таъминланганлар қатламини қўллаб-қувватлаш диққат марказимизда. Масалан, 2023 йилда касаба уюшма аъзоларидан 89 нафарига 46 миллион 90 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 273 нафар ишчи-ходимнинг фарзандларига ёзги дам олиш оромгоҳларига йўлланма берилиб, бу мақсадлар учун 311,3 миллион сўм маблағ сарфланди. Шунингдек, йил давомида 60 нафар ишчи-ходимга соғлиғини тиклашда кўмаклашилди. Яъни, санаторийларда саломатлигини мустаҳкамлашлари учун 221,9 миллион сўмлик йўлланмалар ажратилди, 95 нафар ходим эса турли йўналишлар бўйича юртимизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳат ҳамда зиёратларга олиб борилди.

Касаба уюшма аъзолари билан ишлаш ва уларга қулай шарт-шароитлар яратиш, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида ваколатимиз доирасида ижобий натижаларга эришилаётгани, айниқса, бизни қувонтирмоқда. Масалан, ўтган йили 17 та ёзма, 56 та оғзаки мурожаатнинг барчаси мутахассислар томонидан ўрганилиб, жойида ижобий ҳал этилди.

Буларнинг барчаси «Ҳар бир инсон – эътиборда» тамойили асосида олиб борилаётган фаолиятнинг самараларидир.

Абдуғаффор БЎРИЕВ,
Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Сурхондарё вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

Фарғона вилояти

Очиқ мулоқот

КЕЛАЖАККА БЕФАРҚ ЭМАСМИЗ!

Фарғона вилояти мусиқали драма театрида Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Отабек Мусаев ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши раиси Эркинжон Нуралиевнинг маданият, спорт, туризм соҳалари ҳамда Ёшлар агентлиги тизимларида меҳнат қилиб келаётган ёш ишчи-ходимлар ва олий таълим муассасалари талабалари билан очиқ мулоқоти ташкил этилди.

Ғайрат-шижоатга тўлган, Ватаним тараққиётига муносиб ҳисса қўшаман, деган умидли ёшларга давлатимиз томонидан катта эътибор қаратилмоқда. Жорий йилнинг Президентимиз томонидан «Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили» деб эълон қилиниши ҳам ёшлар учун катта имкониятлар эшигини очди.

Айтиш керакки, ёшлар ҳар жабҳада Ўзбекистон касаба уюшмалари, қолаверса, Ўзбекистон маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан муносиб қўллаб-қувватланиб келинмоқда.

Учрашувда сўз олган Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Отабек Мусаев фарғоналик ёшларга қарата, Ватанни севиш, тинчликнинг қадрига етиш, юртбошимиз томонидан мамлакатимизда ёш авлод учун яратиб берилаётган шароитларга алоҳида тўхталиб, Янги Ўзбекистон ёшларини олға интилишга ундади.

Мулоқот давомида касаба уюшмалари фаолияти ҳамда мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар бўйича викторина ўйинлари ўтказилди. Саволларга тўғри ва тез жавоб берган 20 нафар ғолибга «Халқ сўзи» ҳамда «Жадид» газеталарига 2024 йил учун бепул обуна сертификатлари ва Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгашининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

– Ёшлар билан ташкил этилган мулоқот биз учун ҳар томонлама фойдали бўлди, – дейди Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг Фарғона филиали талабаси Зарина Жўрақўзиева. – Бугунги учрашувда ҳаётда ўз ўрнимизни топишда илм-маърифатнинг, тарбиянинг, китоб ўқишнинг аҳамияти ҳақида сўз борди. Шубҳасиз келажак яхши ўқиган, ўз устида ишлаган ёшлар қўлидадир. Шундай экан, бизлар яхши ўқиб, аждодларимизга мос авлод бўлиб улғайишимиз, юртимизнинг равнақ топиб, юксалишига ўз ҳиссамизни қўшишимиз лозим. Мен бугунги викторинада фаол иштирок этиб, «Жадид» газетасига 2024 йил учун бепул обуна сертификати ва касаба уюшмаларининг эсдалик совғасига эга бўлдим.

Манзурахон АКРАМОВА,
Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилояти бирлашган қўмитаси раиси

ТАНГАНИНГ БОШҚА ТОМОНИГА НАЗАР

Мавзуга қайтиб...

Балки ўқигандирсиз, бир фурсат олдин «Ishonch» газетасида «Алимент тўлашдан бўйин товлаганлар ёхуд меҳр кўрмай ўсаётган болалар қисмати» сарлавҳали мақола чиққан эди. Мавзусидан маълумки, унда жуда нозик масала кўтарилганди. Мақола чиққач, кўпчилик фикр билдирди: кимдир мулоҳазаларини, кимдир эътироз ва таклифларини айтди. Улардан баъзиларини келтириб ўтамиз.

МАБЛАҒ ҚИЗИМГА АТАЛГАН ЭДИ

Ўзини Самариддин деб таништирган кишининг айтишича, оилавий келишмовчилик сабабли аёли билан ажрашган. Ўртада бир қиз фарзанд бор.

– *Аввалига оғринмасдан, бажонидил алимент тўлаб келаётган эдим,* **– дейди у.** – *Бир куни қизимни кўришга бордим. Кўрдиму... Ҳар ой алимент учун катта маблағ тўласам-да, қизим юпун ва хокисор аҳволда юрарди... Назаримда, онаси унга зугум ўтказяпти. Суриштириб билсам, собиқ рафиқам қизим учун аталган маблағни фақат ўзи учун ишлатар экан. Бу ҳам етмагандек, ора-орада калтаклаб тураркан. Жаҳлим чиқиб кетди. Кейин алимент тўлашдан бош тортдим.*

Отанинг сўзларига кўра, у аёли билан ажрашмасликка кўп ҳаракат қилган. Лекин турмуш ўртоғи эрка ва тантиқлигини қўймаган. Боз устига, қизнинг онаси уларнинг ҳаётига ҳаддан ортиқ аралашаверган.

Алимент пулини тўламагани боис собиқ турмуш ўртоғи уни яна судга берибди. Мажбурий ижро бюроси ходимлари мол-мулкини мусодара қилгач, қарздорликни сўндирган. Ҳозир қизини ўз қарамоғига олиш ҳаракатида юрибди.

– *Лекин бу ҳам осонликча битадиган иш эмас экан,* – дейди у.

Ҳа, ҳаётда отанинг аёлига ёки онанинг эрига аччиқ қилиб, ўз болаларига азоб бераётган кимсалар ҳам йўқ эмас. Бу тоифа шахсларнинг қилмишлари кунда-кунора ижтимоий тармоқларни «безаб» турибди. Айниқса, аёл киши турмуши бузилгач, қаттиқ тушкунликка тушиб, ўзини йўқотиб қўйяпти. Бунинг жабрини эса қўлида қолган болалари тортмоқда. Баъзи ҳолатларда унинг алимент пулидан бошқа даромади йўқлиги боис фарзанд таъминоти учун тўланган маблағни ўзига ишлатишга мажбур бўляпти.

КЎРМАГАН ФАРЗАНДГА АЛИМЕНТ

– *Талаба эдим, ота-онам қистови билан уйландим,* **– дейди яна бир мурожаатчи.** – *Тўйдан кўп ўтмай, майда гап-сўз чиқа бошлади. Бора-бора келишмовчиликка айланди. Шунда ҳам парво қилмадим. Афсуски, арзимаган ишлардан катта фожиа ясалди. Ишонасизми-йўқми, турмушимиз бузилишига бир дона газли ичимлик сабаб бўлган. Собиқ хотиним «Битта «Дюшес» олиб беролмади...» деб қорнидаги етти ойлик боласи билан ота уйига аразлаб кетиб қолди. Ўша ерда кўзи ёриган, бундан мени на ота-онаси, на ўзи хабардор қилган. Энди ўзингиз айтинг-чи, фарзандини бир марта бағрига босмаган одамда оталик ҳисси уйғониши мумкинми? Ўз фарзандимни менга кўрсатишни истамаса-да, алимент талаб қилса? Алам қилмайдими?*

Шундай бўлса-да, стипендия пулимдан алимент тўлаганман. Ўқишни тамомлагач, ишларим ҳадеганда юришмади. Бу орада алиментдан қарздор бўлиб қолдим. Хотиним яна судга берди. Қонунларимиз аёлларга кўпроқ ҳуқуқ бераркан, уч йил деганда зўрга ажрашдим. Ҳозир ҳам алимент тўлайман. Қизиғи, МИБ алимент пулини мендан сўзсиз ундиряпти, аммо, бирон марта суднинг мени фойдамга чиқарган (икки ҳафтада бир боламни олиб кетишга ҳуқуқим бор) қарорини бажармади. Бу бўйича бормаган, мурожаат қилмаган ташкилотим қолмади, ҳисоб. Лекин ҳеч қандай наф чиқмаяпти. Яна бир мен тушунмайдиган ҳолат шуки, алиментни ўз вақтида тўлаб боришингизга қарамай, бошқа давлатга чиқиб кетмаслигингиз учун МИБ тақиқ қўйиб қўяди. Хўш, масаланинг шу томонлари адолатданми? Ахир, алиментни деб кўплаб эркакларнинг ҳаёти издан чиқиб кетяпти-ку! Нега буни ҳеч ким инобатга олмайди?

Бир қарашда унинг гапларида жон бордек. Зеро, тегишли қонун-қоидаларга биноан эр-хотинликни бекор қилиш фақат хотиннинг розилиги билан амалга ошиши рост. Шу жумладан, алименти бор оталар хорижга собиқ хотинининг розилик хати билан ёки қарздорликни узган ҳолда чиқиши мумкинлиги тегишли ҳужжатларда ўз тасдиғини топган.

Шунингдек, оталик ҳуқуқидан маҳрум бўлмаган шахс фарзанди билан кўришишга ҳақли. Суднинг тегишли қарори билан боласини бир суткага олиб кетиши белгиланган бўлса, давлат ижрочиси бу талабни бажаришга мажбур. Ҳар ҳолда, қонунларда шундай. Аммо Мажбурий ижро бюросидагилар шу талабга кўп ҳолларда кўз юмяпти ва бунинг оқибатида айрим оталар юқоридаги каби вазиятга тушиб, ҳафсаласи пир бўлмоқда.

Тоассуф

«Суд қарорида кўрсатилган жамғармаларда, яъни фарзанди таъминотидан бўйин товлаб, ишларимдан юрган Д.Ж. тўғри олубдан тоғилдим. «Пошнесига уч нафар хотинига алимент тўлаяпти юрган ўзим қўйга олинда, унинг алимент бўйича 25 миллион сўм қарзини тўлатиш хотини тўлай берди».

Холоғи кунда Интернетга «Алимент тўлашдан бўйин товлаганлар» деган ёзувни батиб, қидирув тизмасини боссангиз, бундай мазмундаги кўплаб ҳаволарни ўқишингиз мумкин.

Хўш, нима учун оилага йилларда алимент тўлашдан ўзини олиб қочаётганлар борган сари кўпайяпти?

Бунинг асосий сабаби ажрашишлар тобора кўпаяётганида. Масалан, бутгур январь-август ойларида республикамиз бўйича 32 минг 630 та ажрашиш қайд этилган. Ана шу боис 25 минг нафарга яқин бола ота ёки она меҳридан жудо бўлгани. Уларнинг кўпгина ташқари қиёфаси кўчаларга эса новвосдум.

Ажрашишлар сабабини суриштирсангиз, аксарияти майда-чуйда жанжаллар, арзимас келишмовчиликлар борасида тикилади. Бундай ҳолатлар рўй бераверганлари учун эса оила пойдеворларини ваҳоланмасдан, мустаҳкам бўлиши керак.

Хўш, ана, бораверган, қандайлар? Мулоҳазаларни бизнинг ўзимиз ҳам сўзлаганимиз ва ёзганимиз учун ҳеч ким ҳеч нарсага ҳаракатсизлик, ҳатто ҳеч ким ҳеч нарсага ҳаракатсизлик ва ҳеч ким ҳеч нарсага ҳаракатсизлик ва ҳеч ким ҳеч нарсага ҳаракатсизлик ва

Har kimki vafo qilsa, vafo topqusidur,
Har kimki jafo qilsa, jafo topqusidur.
Zahiriddin Muhammad Bobur

2024-YIL 13-FEVRAL, SESHANBA
№ 21 (4929)

ЮРАГИНГИЗГА ҚУЛОҚ ТУТИНГ

Юрак – қон айланиш тизимининг марказий аъзоси. У бир хилда қисқариб-кенгайиши эвазига қонни қон айланиш тизими бўйлаб ҳайдаб беради. Албатта, бу ҳар доим ҳам бирдек кечавермайди. Баъзан тўқималарни етарли даражада қон билан таъминлай олмаслиги туфайли патологик ҳолат – юрак етишмовчилиги касаллиги юзага келади. Оқибатда, инсон ҳаётига таҳдид солувчи миокард инфаркти келиб чиқади. Унинг олдини олиш учун нималарга риоя қилиш керак? Бу ҳақдаги саволимизга Ички ишлар вазирлиги тасарруфидаги марказий госпиталь кардиолог-терапевти Мансур СОБУРОВ қуйидагича жавоб берди:

– Инсон танасида тинимсиз ишлайдиган аъзо юрак саналади. Унинг бир дақиқада 55 дан 75 мартагача уриши нормал бўлиб, инсон соғломлигидан дарак беради. Ритмнинг пасайиши ёки кўтарилиши эса қайсидир бир аъзода ўзгаришлар борлигидан огоҳлантиради. Бу ҳолатга эътибор бермаслик юрак етишмовчилиги касаллиги, ундан-да ёмони, миокард инфаркти хавфи борлигини англатади.

Юрак етишмовчилиги касаллиги, мустақил касаллик эмас, у бошқа хасталиклар ва шароитлар асоратида келиб чиқади. Шу боис миокард инфарктига чалинмаслик учун шифокорлар маслаҳатига эътибор қаратиш зарур. Сурункали юрак ишемик касалликлари профилактикаси ва унинг ўткир турини юзага келтирувчи омилларни бартараф этиш муҳим аҳамиятга эга. Бундай ҳолатларда соғлом турмуш тарзи ва саломатлик кўрсаткичларини доимий назорат қилиб бориш ижобий самара беради.

Миокард инфаркти профилактикасининг асосий шартлари қуйидагилардан иборат:

1. Зарарли одатлардан – чекиш ва спиртли ичимликлар истеъмол қилишдан воз кечиш. Чунки улар инфаркт хавфини оширади, юрак-қон томир тизимига салбий таъсир кўрсатади.

2. Миокард инфаркти профилактикасида кунлик овқат рационини коррекция қилиш керак. Одатда, қуйидаги тавсиялар берилади:

• рационда кўкатлар, мева ва сабзавотлар миқдорини ошириш;

• доимий равишда ёғсиз балиқ, ва ёғсиз гўшт маҳсулотларини истеъмол қилиш, ҳайвон ёғларидан фойдаланишни чеклаш;

• барча турдаги янги мева маҳсулотлари;

• рациондан туз ва барча ёғли маҳсулотларни чиқариб ташлаш;

• таомнома таркибини витамин ва минералларга бой, организм меъёрий кўрсаткичларини тиклашга етарли овқатлар билан бойитиш;

• қонда холестерин миқдорини камайтирувчи ва иммунитетни рағбатлантирувчи витамин балансига эга бўлган парҳезга роия қилиш.

3. Тана вазнини доимий равишда назорат қилиш инфаркт хавфини камайтиради. Аммо кескин озиш ҳам тавсия этилмайди. Акс ҳолда, бу организмда салбий асорат қолдиради.

4. Қон босимини назорат қилиш миокард инфаркти олдини олувчи асосий омиллардан саналади. Гипертония касаллигига чалинган беморлар қон босимига алоҳида эътибор қаратишлари лозим. Акс ҳолда, артерия қон босими АҚБнинг баланд бўлиши миокард учун ортиқча юклама бўлиб, унинг фаолиятини ёмонлаштиради.

5. Ижобий эмоция кўп касалликларнинг, жумладан, миокард инфарктининг ҳам олдини олади. Ижобий кайфият ва стресслардан қочишнинг касаллик кечиши ва муолажа самарадорлигига таъсири катта. Агар ҳиссиётларни назорат қилиш қийин бўлса, гиёҳлардан тайёрланган тинчлантирувчи дори воситаларини қабул қилиш тавсия этилади.

6. Профилактикада қон таҳлиллари назорати катта аҳамиятга эга. Асосан қонда қанд миқдори, холестерин, паст зичликдаги линопротенлар кўрсаткичларини назорат қилишнинг ўрни катта. Бу кўрсаткичлар организмда липидлар дисбалансини, атеросклерозга мойилликни, қандли диабетни назорат қилиш учун жуда муҳим.

7. Ўз вақтида шифокор кўригидан ўтиш. Миокард инфаркти юзага келиши мумкин бўлган юқори хавф гуруҳига кирувчи беморлар доимий равишда врач кўригида бўлишлари лозим. Шифокор беморнинг шикоятларига асосланиб, текширув ва таҳлил ўтказади, шу асосда хулоса бериб, вақтида ёрдам кўрсатади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, касалликни даволашдан кўра, олдини олган маъқул. Юқорида айтилган кўрсатмалардан фойдаланинг, уларга риоя қилинг. Юрагингиз қандай ураётганига ҳамиша қулоқ тутинг, у нима деяпти? Албатта, танангиздаги бошқа аъзоларни ҳам унутманг. Чунки сиз соғлом ва узоқ умр кўришга лойиқсиз. Бу эса, кўп жиҳатдан ўзингизга боғлиқ!

«ISHONCH» мухбири
Раъно МАҲКАМОВА
ёзиб олди

Ўтмишга назар

Беҳбудийни КИМЛАР ВА НЕГА ҚАТЛ ЭТИШГАНДИ?

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, ёзувчи ва публицист Нусрат Раҳмат Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи «Жадид» романини ёзар экан, узоқ йиллар ана шу саволга жавоб излади. Жадидчи бобомизнинг газета-журналларда Туркистондаги ижтимоий-сиёсий муаммоларга бағишланган кўплаб мақолаларини диққат билан ўрганди. Унинг таъкидлашича, машҳур педагогнинг бу чиқишлари ўша даврдаги Бухоро амири Саид Олимхонга, унинг атрофидаги амалдорлар ва чор Россияси корчалонларига, қизиллар ва маҳаллий дин арбобларига ёқмаган. Шу боис Беҳбудийни жисмонан йўқ қилиш учун доимо бирор баҳона қидиришган.

Тарихий маълумотларга қараганда, 1919 йилда Маҳмудхўжа ҳамда ҳамроҳлари Муҳаммадқул ва Мардонқул ҳаж зиёратига отланганида, Бухоро амири Саид Олимхон одамлари томонидан Шаҳрисабзда ҳибсга олинганлар. Тахминан икки ойдан кейин яширин равишда Қарши шаҳрига келтирилганлар. Шаҳар ҳокими Тоғайбек улардан «Хўш, биласизларми, сизларни нега ҳибсга олишди?» деб сўрайди. «Билмаймиз» жавобини эшитгач, «Сизлар кофирсизлар, шунинг учун ушлаб келишди», дейди ва жаллодларга маҳкумларни чеккароқ жойда қатл қилишни буюради. Унинг буйруғи Қаршидан анча олисдаги овлоқ чўлда адо этилади. Қатлдан олдин маҳкумлар ўзларига ўзлари гўр қазишга мажбурланади. Кейин ҳеч ким топа олмаслиги учун қабрлар текислаб ташланади. Инчунин, ҳозиргача Маҳмудхўжа Беҳбудий ва сафдошлари қаерга дафн этилганини ҳеч ким билмайди.

БУ - БИР БОШГА ИККИ ЎЛИМ ЭМАСМИ?

1920 йилда Шаҳрисабз қамоқхонаси бошлиғининг ўғли Содиқжон Маҳмудхўжа Беҳбудий қатл қилингани ҳақидаги хабарни шогирдларига етказади. Шу тариқа бу фожиадан ҳамма хабар топади. Беҳбудийнинг оила аъзолари, яқинлари ва сафдошлари мотам тутишади. Бу маросим Самарқандда уч кун давом этади. Буюк маърифатпарвар хотираси ҳурмати учун 1920-1930 йилларда Қарши шаҳри унинг номи билан аталади.

– Жадидчилик ҳаракати асосчиси Маҳмудхўжа Беҳбудий ўзининг илғор қарашлари учун икки марта ўлдирилган, – дейди Нусрат Раҳмат. – 1919 йили Бухоро амири топшириғи билан қатл этилган бўлса, 1937 йилда собиқ тоталитар тузум ҳокимияти уни «халқ душмани» дея эълон қилиб, китобларини чоп этишни ва ўқишни тақиқлади. Шу зайл иккинчи бор маънан ўлдирилди. Фақат сўнгги йилларда буюк маърифатпарварнинг номи тўлиқ оқланди.

БЕҲБУДИЙГА БИРИНЧИ ҲАЙКАЛНИ ЖУРНАЛИСТЛАР ҚЎЙИШГАН

Ҳозир Самарқанд шаҳридаги Педагог кадрларни янги услублар бўйича тайёрлаш миллий маркази ҳовлисида Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ҳайкали бор. Қизиғи шундаки, яқин-яқингача республикада ягона саналган ушбу ёдгорликни Нусрат Раҳмат ва марҳум журналист Миршариф Хўжаев шахсий маблағлари ҳисобидан буюртма қилиб, ўрнатганлар. Бу ҳақда менга бундан 16 йил муқаддам Самарқанд телерадиокомпаниясининг Ахборот кўрсатувлари таҳририятида катта муҳаррир бўлиб ишлаётганимда М.Хўжаев айтиб берганди.

– Беҳбудий номи ҳали тўлиқ оқланмаган 2005 йилнинг ўрталари эди, – деб эслаганди у. – Нусрат ака билан узоқ маслаҳатлашиб, буюк педагог ҳайкалига буюртма беришга қарор қилдик ва бу ишга рухсат олиш учун тегишли ташкилотларга хат юбордик. Ўша пайтда бундай лойиҳаларни амалга ошириш учун рухсат олиш жуда қийин эди. Биз айрим маҳаллий амалдорлардан рад жавобини олсак-да, юқори идораларга мурожаатлар йўллашдан чарчамадик.

– Бахтимизга, ўша пайтдаги ҳукумат раҳбари Шавкат Мирзиёев топонимика бўйича республика комиссиясининг раиси бўлди, – дейди Нусрат Раҳмат. – Мурожаатимиз у кишининг қўлига тушгач, ҳайкални ўрнатишимиз учун рухсат тегди. Шундан сўнг биз Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ҳужжатлари ва бир нечта фотосуратини Самарқанднинг машҳур ҳайкалтароши Эргашхон Қаҳҳоровга олиб бордик. 3-4 ой ичида буюртмамиз тайёр бўлди. Энди олдимизда ёдгорликни қаерга ва қандай ўрнатиш муаммоси турарди. Чунки ўша давр амалдорларининг деярли барчаси «жадид» сўзини тилга олишдан чўчирди.

ЁДГОРЛИК ҚАНДАЙ ЎРНАТИЛГАН?

Анча баҳс-мунозаралардан сўнг лойиҳа муаллифлари ҳайкални улуғ педагог номи берилган Самарқанд вилояти педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти ёнига ўрнатиш лозим, деган хулосага келишди. Чунки Беҳбудий фақат ёзувчи ва драматург эмас, маорифчи ҳам саналган. Маълум муддат республика халқ маорифининг биринчи вазири бўлган, янги усулдаги мактаблар учун дарсликлар ёзган. Асосий диққат-эътиборини доимо таълим ва маърифат масалаларига қаратган. Жумладан, «Мурожаат», «Саёҳат хотиралари», «Сарт сўзи мажҳулдир» каби мақолаларида консерватив реакцион руҳонийларни, маорифда ҳам, маданиятда ҳам, кундалик ҳаётда ҳам, диний онгда ҳам жаҳолатни кескин танқид қилган.

Журналистларнинг Беҳбудийга ҳайкал ўрнатиш ташаббуси институт раҳбари Азиз Аминов томонидан қизғин қўллаб-қувватланиб, муассаса ҳовлиси марказидан ҳайкал ўрнатиш учун жой ажратилди.

Шундай қилиб, 2006 йил май ойида бу ерда буюк маърифатпарварнинг илк ҳайкали очилди. Шу муносабат билан ўтказилган тантанали маросимда Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг авлодлари, яқинлари, олимлар, устозлар ва ёшлар иштирок этдилар. Сўзга чиққанлар жадидлар ҳақида, уларнинг эзгу ишлари ҳақида илк бор очиқ-ойдин гапирдилар.

БУЮК МАЪРИФАТПАРВАРНИНГ АВЛОДЛАРИ

– Бобомизни халқ душманига чиқаришгандан сўнг оила аъзолари Самарқанд шаҳрининг Некрасов кўчасида жойлашган уйини ташлаб, Душанбе шаҳрига кўчиб кетишдан ўзга илож топа олишмаган, – деб эслайди Шоҳрух Беҳбудий. – Маълум сабабларга кўра, Маъсудхон Беҳбудий ҳам фамилиясини ўзгартириб, Душанбега йўл олишга мажбур бўлган ва у ерда таржимон бўлиб ишлаган, мактаблар учун дарсликлар нашр эттирган.

Маҳмудхўжанинг икки фарзандидан бевақт айрилган қизи Парвина (иккинчи исми Сурайёхон) кўп ўтмай вафот этади. Иккинчи ўғли Мақсудхон ҳам 1932 йили 21 ёшида касаллик туфайли бандаликни бажо келтиради. Учинчи ўғли Матлубхон эса 1942 йили урушга кетиб, бедарак йўқолади.

Айни пайтда Самарқанд шаҳридаги Қўшҳовуз маҳалласида Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг эваралари яшайдилар.

– Биз буюк бобомиз билан ҳақли равишда фахрланамиз, – дея сўзида давом этади Шоҳрух Беҳбудий. – Давлатимиз раҳбарининг жадидлар ҳаётини ва улар қолдирган бебаҳо меросини ўрганишга қаратаётган эътиборидан эса жуда мамнунмиз.

МАЪЛУМОТ ЎРНИДА

Маҳмудхўжа Беҳбудий 1875 йил 19 январда Самарқанд шаҳрида муфтий оиласида туғилган. Дастлабки таълимни амакисидан олган, сўнгра эски усулдаги бошланғич мактаб ва мадрасада ўқиган. Араб, форс, рус ва бошқа тилларни яхши билган, ҳам диний, ҳам дунёвий билимга эга бўлган. Мирзо ва қози вазифаларини бажарган, Жомбойда муфтийлик қилган.

1900 йили Маҳмудхўжа Беҳбудий Маккага ҳажга боради. 1903-1904 йилларда Москва, Санкт-Петербург, Қозон, Уфа шаҳарларида бўлади. 1914 йили Туркия, Миср ва бошқа араб мамлакатларига саёҳат қилади.

Беҳбудийнинг энг сара асари 1911 йили Самарқандда нашр этилган ва саҳналаштирилган «Падаркуш» драмасидир. У ўзбек адабиёти тарихидаги биринчи саҳна асари ҳисобланади.

Маҳмудхўжа Беҳбудий 1913 йили Самарқандда «Самарқанд» (ҳозирги «Зарафшон») газетаси ва «Ойина» журналига асос солган. Бу нашрлар саҳифаларида ўша даврнинг барча ўткир муаммолари ўз ифодасини топган.

2021 йилнинг кузида Самарқанд шаҳрида Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг уй-музейи очилди. Бу Янги Ўзбекистоннинг ижтимоий ҳаётидаги муҳим воқеалардан бири бўлди. Музейнинг очилиши мутафаккирнинг жамланган асарларини нашр этиш билан бирга, тарихий адолатни тиклаш ва халқнинг маданий меросини асраб-авайлашга ҳам хизмат қилади.

Президентимизнинг тегишли фармони билан Маҳмудхўжа Беҳбудий «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланди. 2020 йили юртимизда Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 145 йиллиги кенг нишонланди.

Унинг асарлари дарслик ва ўқув қўлланмаларига киритилган, кўча ва мактабларга номи берилган.

Ёрмамат РУСТАМОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Тошкент вилояти

Маънавият соати

«ТИЛДА, ФИКРДА, ИШДА БИРЛИК»

36 минг нафардан зиёд ишчи-ходим фаолият кўрсатаётган Олмалиқ кон-металлургия комбинати мамлакатимиздаги энг йирик саноат корхоналаридан бири ҳисобланади. Бу жамоада ишлаб чиқариш жараёнларини намунали йўлга қўйиш билан бир қаторда, маънавий-маърифий ишларга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Жумладан, комбинатнинг Маънавият ва маърифат кенгаши ташаббуси билан барча таркибий бўлинмаларда «Тилда, фикрда, ишда бирлик» шиори остида маънавият соатлари ўтказилмоқда.

Ихтисослаштирилган таъмирлаш ишлари бошқармасида бўлиб ўтган ана шундай тадбирларнинг навбатдагиси бошқарма раҳбари Ҳусниддин Сулаймонов, комбинат Ёшлар иттифоқи раиси Азамат Мавлонов, ОКМК ходимлари касаба уюшмаси кенгаши раисининг иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчиси Феруза Бозорова бошчилигида ташкиллаштирилди.

Йиғилиш аввалида Самарқанд давлат университети ректори, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, сенатор Рустам Холмуродовнинг «Халқ сўзи» газетасида чоп этилган «Маънавий иммунитет нима ва у қандай шакллантирилади?» сарлавҳали мақоласи таҳлил қилинди. Сўзга чиққанлар унда тилга олинган мавзу халқимиз учун ҳар томонлама муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар. Шунингдек, маънавият бизни қандай хавфлардан огоҳ этиши, маънавиятсиз миллатни нималар кутиши мумкинлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Тадбир якунида ушбу йўналишдаги учрашувлар бошқарма участкалари миқёсида ҳам ўтказилиши, маънавият ва Ватанга садоқат нималигини англашга, уларни асраб-авайлашга оид фикр ва тушунчалардан комбинатнинг ҳар бир ишчиси хабардор бўлиши лозимлиги эслатилди.

Абдулазизхон НОДИРОВ,
«Олмалиқ КМК» АЖ Ихтисослаштирилган таъмирлаш ишлари бошқармаси касаба уюшма қўмитаси раиси

МУАССИС:
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay’ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay’ati raisi),
Ulug’bek JALMENOV,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G’OYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV
(Bosh muharrirning birinchi o‘rinbosari),

Mehriddin SHUKUROV (Mas’ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK (Mas’ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

Bo’limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog‘iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-99) 889-98-02
Navoiy viloyati – (+998-99) 889-90-28
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-90) 379-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg’ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma’lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir: J. Nahanov

Musahhihlar: D. Xudoyberganova, D. Ravshanova

Sahifalovchi: H. Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti – 23:50
Topshirildi – 00:20

Bahosi kelishilgan narxda

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko‘chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Nashr ko‘rsatkichi: **133**

Umumiy adadi 35 046 ta
Shundan:
7521 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uyda;
19 061 nusxasi «Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko‘chasi, 270-uyda;
8464 nusxasi «Poligraf-Press» MChJ bosmaxonasi – Marg‘ilon shahri, Turkiston ko‘chasi, 236-«b» uyda
chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma 093

1 2 3 4 5 6